

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулоти орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципнинг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

УДК: 8

ЗАМАХШАРИЙ ВА УНИНГ “МУҚАДДАМАТ УЛ - АДАБ” АСАРИ ТАЛҚИНИ

Ҳ.Закирова

Аннотация

Мақолада тилшунос олим Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асари ҳақида маълумот берилиб, асардаги туя номлари гуруҳларга бўлиб ўрганилган.

Аннотация

В статье представлены сведения о великом ученом Замахшари и его произведении “Мукаддмату-л-адаб”. В исследовании изучены названия верблюда на основе разделения их на группы.

Annotation

The article deals with the great scientist Zamakhshariy and his work “Mukaddamatu-l-adab”. The names of a camel dividing them into groups are studied.

Таянч сўз ва иборалар: луғат, ҳайвон номлари, туя ёшига боғлиқ номлар, туянинг бирор белгисига боғлиқ номлар, туя аъзоларининг номлари, туя анжомлари номлари.

Ключевые слова и выражения: словарь, названия животного, названия по возрасту верблюда, названия на основе какого-либо качества верблюда, названия органов верблюда, названия снаряжения верблюда.

Keywords and expressions: dictionary, the names of animal, the names of camel based on his age, the names based on some quality of a camel, the names of camel's organs, the names of camel's equipment.

Кўҳна Хоразм тупроғида вояга етиб, жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган улуғ олим Замахшарийнинг номи дунёга машҳурдир. Унинг ўлмас асарлари ва у ҳақда ёзилган илмий асар ҳамда мақолаларни оламнинг ҳамма бурчакларидаги кутубхоналарда учратиш мумкин. Замахшарийнинг илмига ўз даврдан бошлаб шу кунгача Шарқ ва Ғарб олимлари юксак баҳо бериб келмоқдалар. Унга Шарқ олимлари томонидан “Устозу-у-л-араб ва-л-ажам” (араб ва ғайри араблар устози), “Фахр-и Хоразм”, “Жоруллоҳ” каби унвонлар берилишининг ўзи уни фан оламида қанчалик муҳтарам ва азиз бўлганлиги ҳамда унинг Шарқ халқларининг маданий ривожини учун нечоғли хизмат қилганлигининг яхшигина далилидир.

Замахшарийнинг улуғ арабшунос деб танилганини Навоийнинг “Сабъайи сайёр”идаги Абдурахмон Жомий мадҳига бағишланган бобида ҳам кўришимиз мумкин:

*Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демайки Жоруллоҳ,
Онча тафсири ишинда йўқ огоҳ. [1.471]*

Бу ерда Жомийнинг Жоруллоҳ, яъни Замахшарий билан қиёсланиши Навоий давригача Замахшарийдан ўтадиган арабшунос олим бўлмаганлигидан дарак беради.

Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари араб тили учунгина эмас, балки бошқа

тиллар учун ҳам муҳимдир. Чунки у ажам – араб бўлмаган миллатларнинг араб тилини мукамал ўзлаштиришларига мўлжалланган ўзига хос грамматик асар ҳисобланади. Бу асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчисида исм туркумига кирувчи сўзлар, иккинчисида феъллар, учинчисида кўмакчилар, тўртинчисида исмларнинг турланиши, бешинчисида феълларнинг тусланиши берилган. Олим исмлар қисмига исм туркумига мансуб 7000 тага яқин сўзни киритади.

1968 йили польшалик машҳур шарқшунос Зайончиковский “Муқаддамату-л-адаб”нинг Истамбулда топилган бир нодир нусхасидаги ҳайвон исмларига бағишланган бобини Варшавада чиқадиган “Рочник ориенталистични” (Шарқшунослик солномаси)да нашр эттирди. А.Рустамов эса бу ҳайвон исмларини ўзбекча ҳарфлар билан берган [3,17] ва Зайончиковский нотўғри ўқиган сўзларни ҳам тўғрилаган. Жумладан, фаҳал (туянинг айғири) фаҳл, татинмаған тева (тоймайдиган туя) тайинмаған, ўрганчи (арқончи) ўрганчи деб ўқилиши кераклигини айтиб ўтган.

Биз шу ҳайвон исмларидан фақат туяга оид сўзларни ажратиб олдик ва уларни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиб беришни маъқул кўрдик:

1. Туянинг ёшига боғлиқ исмлар.
2. Туянинг бирор белгисига асосланган исмлар.

Ҳ.Закирова – АДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

ТИЛШУНОСЛИК

3. Туя аъзоларининг номлари: *мишвар* (туя лаби), *заръ*(елин), *киркира* (туя тўши), *сафина*(туя тиззаси), *фирсин*(туя товони), *мансим* (туя тирноғи), *хуфф*(туя пайпоғи), *саном*(туя ўркачи).

4. Туя анжомларининг номлари: *ъароф*(бурундук), *хишош*(бурундукнинг туя

бурнига тиқиб қўйиладиган чўп), *ҳизома* (қоринбоғ), *ъайқол* (чўккан туянинг туриб кетмаслиги учун боғлаб қўйиладиган боғ), *нисъ* (айил), *батон* (қоринбоғ), *раҳл* (тўқим).

Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги туя исмларини алоҳида таҳлил қилиб кўрайлик.

1-гуруҳ. Туянинг ёшига боғлиқ исмлар				
№	Арабча (бирлик, кўплик)	Форс-тожикча	Туркийча	Ҳозирги ўзбек тилида
1	Баъир Буърон	Шутурон	Тева	Туя
2	Ибил		Тевалар	Туялар
3	Ибн маҳоз	Яксона нар	Бир яшар эркак тўрум	Бир яшар эркак туя
4	Бинт маҳоз	Яксола мода	Бир яшар тиши	Бир яшар урғочи туя
5	Ибн лабун	Дусола нар	Икки яшар эркак тўрум	Икки яшар эркак туя
6	Бинт лабун Бинот лабун	Дусола мода	Икки яшар тиши	Икки яшар урғочи туя
7	Ҳиққ Ҳиқоқ	Сесола ба чаҳорум даромада	Уч яшар тўртинча кирмиш тўрум	Учга тўлиб, тўртга қадам қўйган эркак туя
8	Жазаъ	Чаҳорсола ба панжум даромада	Тўрт яшар бешинча кирмиш	Беш ёшга қадам қўйган туя
9	Сино	Панжсола ба шашум даромада	Беш яшар олтинча кирмиш	Олти ёшга қадам қўйган туя
10	Рабоъий	Шашсола ба ҳафтум даромада	Олти яшар етинча кирмиш	Етти ёшга қадам қўйган туя
11	Садис	Ҳафтсола ба ҳаштум даромада	Ети яшар секинча кирмиш	Саккиз ёшга қадам қўйган туя
12	Бозил	Ҳаштсола ба нуҳум даромада	Секиз яшар тўқсунча кирмиш	Тўққиз ёшга қадам қўйган туя
13	Мухлиф	Нўҳсола	Тўқуз яшар	Тўққизга тўлган туя
14	Ъавд	Шутури пир	Қари	Қари туя
15	Қалус Қалоис	Модайи жавон	Йигит инган	Урғочи туянинг ёши
16	Ноб Ниб	Модайи пир	Қари инган	Урғочи туянинг қариси

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, биринчи гуруҳга кирувчи туянинг ёшига боғлиқ исмлар ўн олтита сўздан иборат бўлиб, уларни яна қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Хусусийлик ва умумийлик белгисига кўра:

а) хусусий ёшни билдирувчи, яъни ёшини аниқ ифодаловчи туя исмлари (*баъир*, *бозил*, *маҳоз*, *лабун*, *ҳиққ*, *жазаъ*, *сино*, *рабоъий*, *садис*, *мухлиф*);

б) умумий ёшни билдирувчи, яъни ёшни умулаштириб ифодаловчи туя исмлари (*баъир*, *ибил*, *ноб*, *қалус*, *ъавд*).

2. Жинс белгисига кўра:

а) урғочи туя исмлари (*бинт маҳоз*, *бинт лабун*, *қадус*, *ноб*);

б) эркак туя исмлари (*ибн маҳоз*, *ибн лабун*, *ҳиққ*).

Ҳозирги ўзбек тилида ушбу сўзларнинг эквиваленти мавжуд бўлмай, уларнинг маъноси сўз бирикмаси орқали ифодаланади.

2-гуруҳ. Туянинг бирор белгисига асосланган исмлар				
№	Арабча (бирлик, кўплик)	Форс-тожикча	Туркийча	Ҳозирги ўзбек тилида
1	Суда	Шуторон-и гузошта	Аттинмиш тева	Бўш қўйилган туя (қариб, ишга ярамай қолган)
2	Ноқа Нуқ	Шутури мода	Инган	Она туя
3	Бакр Биккора	шутурбача	Йешир тўлдирмиш тўрум	Раста бўлган бўталоқ
4	Фасил Фасалон	Шутурбачча аз шир боз карда	Азрилмиш тўрум	Сутдан ажратилган бўталоқ
5	Рубоъ Рибоъ	Шутурбаччайи бахорий	Туғмиш йаз	Баҳорда туғилган бўталоқ
6	Хубаъ	Шутурбаччайи тирмоҳий	Йай туғмиш	Ёзда туғилган бўталоқ
7	Фаҳал Фуҳул	Шутури нар	Буғро	Туянинг айғири
8	Хулфа	Обистан	Юклук инган	Бўғоз туя
9	Маҳоз	Наздик ба зодан		Туғиши яқинлашган туя
10	Ъашро Ъишор	Даҳ моҳ обистан	Ўн ойлиқ	Қорнида ўн ойлик боласи бор туя
11	Жалс	Қавий	Кучлук тева	Бақувват туя
12	Омун	Шутурки билағзад	Татинмаган тева	Тоймайдиган туя
13	Ҳарф	Шутури лоғар	Аруқ инган	Ориқ туя
14	Ҳалуб	Шутури душидан		Соғин туя
15	Лақуҳ Лиқоҳ	Гушн афканда	Буғрасамиш дава	Қочган урғочи туя
16	Лақҳа Лиқаҳ			Серсут туя
17	Роҳила Равоҳил	Барнишастани	Мингу инган	Минишга ярайдиган урғочи туя
18	Матийя Матоё			Миниладиган туя
19	Қаъуд			Туябоқар минадиган туя
20	Раҳул			Кўп миниладиган, минишлик туя
21	Шимилла			Чопоғон туя
22	Ъайрона	Бо қу жаҳонда	Қулондек югурган тева	Қулондай югурадиган туя

Иккинчи гуруҳга кирган туянинг турли белгисига асосланган номлар йигирма иккитани ташкил қилиб, улар ичида оналик белгисига кўра номланган еттита туя исми мавжуд (*ноқа*, *хулфа*, *маҳоз*, *ъашро*, *ҳалуб*, *лақуҳ*, *лақҳа*), туябоқар минадиган туяни ҳам номловчи алоҳида исм (*қаъуд*) кўрсатилган. Бу гуруҳга кирувчи исмларда даража белгиси ҳам ифодаланган. Масалан, *шимилла* (чопоғон туя), *ъайрона* (қулондай югурадиган туя). Ёки *роҳила* (минишга ярайдиган урғочи туя), *матийя* (миниладиган туя), *раҳул* (кўп миниладиган туя).

“Муқаддамату-л-адаб”нинг форсий ва туркий таржимаси бор нусхалари ўзбек тарихий лексикологияси, жумладан лексикографияси учун жуда қимматлидир, чунки туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форс-тожикча муқобилларининг бўлиши уларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради. [2.17]

Замахшарий инсоният илми хазинасига 70 тадан ортиқ қимматбаҳо асар қўшди ва шу мерос туфайли абадий тирикдир, бугунги илмий ҳаётда фаол иштирок қилмоқда ва бундан кейин ҳам иштирок қилади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса. –Т.: Фанлар академияси, 1960.
2. Мирзиятов Ш.М. “Муқаддамату-л-адаб” асарида тилшунослик, луғатшунослик анъаналари ва арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик талқини.фил.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. –Т., 2017.
3. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. –Т.: Фан, 1971.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)